

ХII. ДЕМОГРАФИЯ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3 962,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 14,8 минг кишига ёки 0,4 фоизга кўпайди.

Доимий аҳоли сони, минг киши

(2021 йил 1 апрель ҳолатига,)

	Жами аҳоли сони	шу жумладан:		жами аҳоли сонидан:	
		эркаклар	аёллар	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Вилоят бўйича	3 962,5	1 993,3	1 969,2	1 463,5	2 499,0
Самарқанд ш.	554,3	268,3	286	554,3	-
Каттақўрғон ш.	90,9	45,4	45,5	90,9	-
<i>туманлар:</i>					
Оқдарё	162,3	81,9	80,4	63,2	99,1
Булунғур	190,1	96,9	93,2	42,3	147,8
Жомбой	176,8	89,2	87,6	39,4	137,4
Иштихон	259,2	130,4	128,8	70,5	188,7
Каттақўрғон	277,7	141	136,7	52,9	224,8
Қўшработ	133,9	68,3	65,6	12,5	121,4
Пайариқ	255,5	132,2	123,3	73,6	181,9
Пастдарғом	361,2	181,4	179,8	93,8	267,4
Пахтачи	146,3	72,7	73,6	28,6	117,7
Самарқанд	257,2	130	127,2	15,8	241,4
Нарпай	216,0	109,8	106,2	64,7	151,3
Нуробод	153,3	77,2	76,1	17,5	135,8
Тойлоқ	206,1	103,9	102,2	25,1	181
Ургут	521,8	264,8	257	218,4	303,3

Аҳолининг табиий ҳаракати


(январь-март ойларида)

	киши			ҳар минг аҳолига, нисбатан	
	2020 й.	2021 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2020 й.	2021 й. ¹⁾
Туғилганлар	20 427	21 374	947	21,1	21,9
Ўлим	3 812	4 265	453	4,6	4,4
Никоҳлар	5 374	6 715	1 341	5,6	6,9
Ажралишлар	842	921	79	0,9	0,9

Туғилиш. 2021 йилнинг январь-март ойларида 2 1374 бола туғилган ва 2020 йилнинг шу даврига (20427 бола туғилган) нисбатан 947 тага кўпайди, туғилиш коэффиценти эса 21,9 промиллени ташкил қилди (2020 йил январь-мартда 21,1 промилле).

Туғилиш коэффицентининг сезиларли даражада ўсиши Нуробод (21,2 дан 22,8 промиллега), Булунғур (19,9 дан 21,4 промиллега), Пайариқ (23,9 дан 25,4 промиллега), Ургут (24,9 дан 26,9 промиллега) туманларида кузатилди.


Ҳудудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффиценти



Вафот этиш даражаси. 2021 йилнинг январь-март ойларида вафот этганлар сони 4 265 кишини ташкил қилди ва 2020 йилнинг шу даврига (3812 киши) нисбатан 453 тага кўпайди. Ўлим коэффициентини эса 4,4 промиллени ташкил қилди (2020 йилнинг шу даврида 3,9 промилле).

Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффициенти

(2021 йил январь-март)




Вафот этганлар сонининг кўпайиши Каттақўрғон шаҳрида (4,8 дан 5,2 промиллега), Булунғур (3,7 дан 4,5 промиллега), Пастдарғом (3,6 дан 3,8 промиллега) ва Самарқанд (4,8 дан 5,3 промиллега) туманларида кузатилди.

Рўйхатга олинган жами вафот этганлар 64,3 фоизи - қон айланиш тизими касалликлари, 8,1 фоизи - ўсма касалликлари, 5,1 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлар, 5,2 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари, 4,7 фоизи - нафас олиш органлари касалликлари, 0,9 фоизи - инфекция касалликлари ва қолган 11,7 фоизи эса бошқа касалликлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Вафот этганлар умумий сонининг таркибий тузулиши, % да

(2021 йил январь-март)




Никоҳ. 2021 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 6 715 киши никоҳи қайд этилди, мос равишда 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициентини 6,9 промиллени ташкил этди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли даражада камайиши Оқдарё (5,0 дан 7,1 промиллега), Булунғур (6,2 дан 8,2 промиллега), Жомбой (7,0 дан 8,6 промиллега), Иштихон (5,8 дан 6,5 промиллега), Пайарик (7,5 дан 8,7 промиллега), Тойлоқ (5,4 дан 7,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффициенти


(2021 йил январь-март)




Никоҳдан ажралишлар. 2021 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органларида 921 киши никоҳдан ажралганлиги қайд этилган бўлиб, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициентини 0,9 промиллени ташкил этди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада камайиши Самарқанд (1,6 дан 1,5 промиллега) ва Каттақўрғон шаҳарларида (1,5 дан 1,3 промиллега), Пахтачи (1,1 дан 1,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти
(2021 йил январь-март)



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3 002 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 5 329 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус -12 864 киши (2020 йилнинг шу даврида минус -2 327 киши)га тенг бўлди.



Аҳолининг миграция кўрсаткичлари, киши

(январь-март ойларида)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2020 й.	2021 й.	2020 й.	2021 й.	2020 й.	2021 й.
Вилоят бўйича	1 797	3 002	3 354	5 329	-1 557	-2 327
Самарқанд ш.	403	1 723	553	599	-150	1 124
Каттақўрғон ш.	113	157	92	215	21	-58
<i>туманлар:</i>						
Оқдарё	39	73	128	244	-89	-171
Булунғур	125	114	234	355	-109	-241
Жомбой	138	117	91	162	47	-45
Иштихон	68	146	191	432	-123	-286
Каттақўрғон	48	143	235	423	-187	-280
Қўшработ	48	84	164	417	-116	-333
Пайарик	69	88	287	521	-218	-433
Пастдарғом	60	30	238	347	-178	-317
Пахтачи	136	3	284	325	-148	-322
Самарқанд	261	74	206	261	55	-187
Нарпай	133	71	147	274	-14	-203
Нуробод	10	59	133	197	-123	-138
Тойлоқ	90	106	96	108	-6	-2
Ургут	56	14	275	449	-219	-435